# МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИДА ЯРАТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**О.Отажонова**
Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ“Ижтимоий фанлар, педагогика ва касбий таълим”кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

**Аннотация:** Ушбу мақолада таьсвирий саньат соҳасида таълим олаётган талабаларнинг ижодий изланишларидан психологик талқин, ижодий фикрлашнинг ўзига хос аҳамияти ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** ижодий фикр, тафаккур, психологик характер, ижодий ёндашиш.

**Аннотация:** В данной статье речь идёт о психологической интерпретации творческого поиска и об особой значимости творческого мышления студентов, обучающихся в сфере изобразительного искусства.

**Ключевые слова:** творческая мысль, мышление, психологический характер, творческий подход.

**Abstract:** This article deals with the psychological interpretation of creative search and the special significance of the creative thinking of students studying in the field of fine arts.

**Key words:** creative thought, thinking, psychological character, creative approach.

Қалбларини гапиришини талаб қиладилар.
Ва ниҳоят, қалблар ҳикматли сўзларни айта оладилар.
Хасан Басрий

Бизнинг дунёни, унинг сир-асрорларини тушунишимизнинг заминида нарса ва ҳодисаларнинг биз учун шахсий алоқаси, аҳамиятлилиги даражаси ётади. Ана шундай дунёни тушунишимиз, англашимиз ва унга онгли муносабатимизни билдириб, изҳор қилишимизга алоқадор билиш жараёни психологияда **тафаккур, фикрлаш** деб аталади.

Бу психологик ҳолат, рассомларда бу ўзига хос тарзда намоён бўлади. Рассом табиатдаги биз илғамайдиган воқеа ва ҳодисаларни ўз маънавий дунёси, ижодий таффакури билан ўзгача қабул қилади ва кўз ўнгимизда табиатнинг жумбоқли оламини ранглар орқали ечишга журъат топади. Рассомларни аксариятида фалсафий фикрлашга эҳтиёжни нақадар кучли эканлигини кузатиш мумкин.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, бизнинг илм даргоҳимизда таълим олаётган талабаларнинг аксариятини болалик йилларидан ижод оламига кириб келган ва бу йўналишда уларни энг аввало ота-оналари қўллаб-қувватлаган, у истеъдодини намоён бўлишига шароит яратилган ёшлар ташкил этади.

Оиладаги маънавий муҳитнинг барқарорлиги ижод қилаётган ҳар ёш йигит ва қизларни ўз мустақил фикри ва дунёқаришига эга бўлиши яратилаётган санъат асарларининг яратилишидаги ғоявий мазмунида акс этади. Маълумки, рассомлар томонидан яратилган барча асарлар мустақил, ижодий фикр мевасидир. Рассом С.Рахметовнинг таъкидлашича, талабалардаги табиатга, ўзи туғилиб ўсган юртига, оиласига меҳр-муҳаббат ўйғотиш, асарга ижодий ёндошишни ўргатиш учун натюрморт ва манзара аниқ ғоявий мазмунга эга бўлиши керак. Энг тўғри тузилган композиция ҳам, агар мазмунсиз, ғоясиз бўлса картинани бадиий асарга айлантира олмайди. Айнан ғоя композицион изланишдаги етакчи асос ҳисобланади. Асарнинг ғояси ҳаётий тажрибалардан, ички кечинмалар, ҳиссиётлардан келиб чиқади. Токи бўлажак рассом ҳаётдаги қизиқ ва аҳамиятли ҳодисаларни мазмун ва моҳиятини теран англаб, тафаккур қилолмас, табиат гўзалликларига эътибор билан руҳан ҳис қилиб ундан завқланмас экан композицияни тушуниш қийиндир.

Образлар устида ишлаш одамнинг фикрлаш қобилияти билан боғлиқ. Картина мавзуси ҳам бадиий тасаввур ҳам ҳаётни чуқур билиш натижасида пайдо бўлади. Талабалар композиция сюжети ва мавзусини ҳаётий тушунчаларсиз яратар эканлар, картина ишонарсиз чиқади. Образлар эса психологик характер ва шахсий фазилатлардан маҳрум бўлади. Талаба ўз устида тинмай изланиши, кўплаб жаҳон ва ўзбек адабиёти намоёндаларининг асарлари билан танишиши билан бир қаторда психологияга оид асарлар билан танишиши унинг тафаккурини бойитади. Таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай ижодкорга руҳий кўтаринкилик ва илҳом берувчи, унинг тафаккур бойитувчи макон энг аввало оиласи ҳисобланади. Бугунги бизнинг мақсад ҳам, айнан ўз фикрларимизни айтиш орқали илм-аҳлини, талабаларни тафаккур гулшани томон етаклаб, уларни зикр қилишга, айни чоғда керали хулосалар чиқаришга, улар қалбини гапиришга ундашга қаратилгандир.

Масалан Рассом Акбар Бехкаламнинг “**Инсоний манзараси”,”Кўзни олувчи”,** “**Олов ёруғлигида**” асарлари фалсафий маънога эга бўлиб, унда биз инсон образи орқали бутун жамият, ундаги шахслар аввало рассомнинг ишлаш жараёнидаги ички ҳиссий кечинмалари акс этганини кўришимиз мумкин. У дунёнинг кўринарли ҳодисаларини эмас, балки уларнинг ички моҳиятини қалб ҳарорати билан акс эттиришга ҳаракат қилган.Унинг руҳий оламидаги эҳтиростлилик ва жиддийлик, реал борлиқни оташ аланга колорит ва шижоат

билан, тез-тез ва узиб берилган ранг сурмалари орқали ифода этилгани асарларига жўшқин хаёт нафасини беради.

Акбар Бехкаламнинг “**Инсоний манзараси”** асарида инсонларни бир томонга қараб оғиб кетаётганликларини кўрамиз. Оламонннг кучли қўрқув хис-хаяжони, қаёққа боришини билмай адашган ўз йулини тополмай юрган фигуралар тасвирланган. Кучли психологик билим ва юксак маҳорат билан ишланган асар омманинг онгсиз, стихияли ҳаракатини кўрсатишга ҳаракат қилади

Биз биламизки, оммавий ҳаракатларда шахснинг ўз хулқ-атворларини онгли ва ақл билан бошқариш қобилияти йўқолади. Бундай ҳолатларда ҳиссиётлар устун келади, натижада аффект ҳолатлар келиб чиқади, яъни, одам ўзи нима қилаётганлигини, оломонга нега қўшилиб қолганлигини ҳам англай олмайди. омманинг айрим ҳолларида, айниқса бирор ҳодиса рўй берганда “қизиққонлик” хусусияти устун туради, бир қанча одамларнинг бир ерда тўпланиши оммани ҳосил қилади ва бу одамлар ким бўлишидан қатъи назар – олимми ёки оддий ишчи, фуқароми, шу заҳотиёқ кузатувчанлик ва зийракликни йўқотади. Чунки бу ҳолатда улар ҳолатини инстинктлар ва ҳиссиётлар бошқаради. Рассом бу билан ҳар бир инсонда ўз шахсий мустақил фикрига эга бўлиши, ҳар- хил тудалар ва ёмон салбий оқимларга қўшилиш фожеа билан якун топишини кўрсатмоқчи бўлади. Демак мустақил фикрлаш инсоннинг нарса ва ҳодисалар, жамиятда рўй бераётган ҳодисаларнинг моҳияти хусусида ўз қарашлари бўлишини тақозо этади. Унинг билиш ва англаш имкониятлари чегарасини кенгайтиради.Ҳозирги буюк ислоҳотлар амалга оширалаётган Ўзбекистон шароитида мустақил фикрловчи ёшларнинг бўлиши давр тақозоси бўлиб, шахсий дунёқарашига эга бўлган инсонларгина жамият тараққиётини таъминловчи кўплаб лойҳаларни ишлаб чиқишга қодир бўладилар

Рассом Акбар Бехкалам биз баъзан тушунишимиз, англаб етишимиз қийин бўлган ранглар дунёсида ўз тафаккури билан асарларида қалб туйғусини, юраги қатига яширинган руҳий оламини биз билан сирлашади. Доимо табиатни, инсон жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, реал ва нореалликни, онглилик ва онг остидаги руҳий ҳолатни, эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, хаёт ва ўлим ўртасидаги сирли алоқадорликни тасвирлашга интилади. У эркинликни севувчи рассом сифатида, **эркинлик** рассомлар тақдирининг энг бебахо хадяси деб билади.

Менинг назаримда, рассомнинг ички оламини унинг психологиясини билиш учун у яшаган макон ва замонни уни ўраб турган муҳитни яхши билишимиз унинг асарларини тушунишимизга ёрдам беради. Маълумки, рассом турли йўналиш ва мавзуларда асар битаркан, у кенг маънода ўз замонасининг файласуфи ва руҳшуносига айланади ва дунёни биз оддий кўз

билан илғай олмайдиган оламини ранглар орқали кўрсата олади. Рассом ўз таффаккур дунёсига ошно этиш орқали, ўз сўзини ранглар билан ифода этишга уринади. Ана шунда, табиатнинг бетакрор лаҳзаларини чизиш орқали, сизни унинг сирли оламига олиб киради ва руҳиятимизга сокинлик ва хотиржамлик бағишлайди. Бу эса инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи восита сифатида керак ва муҳимдир. Ва ўз навбатида бу асарлар инсонни ўзи ҳақида ўйлашга атрофидаги инсонлар ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Ана шунда, у ҳар бир одам ўзи алоҳида бир олам, ўз драммасига эга бўлган мураккаб дунё эканлигини, ўз”Мен”ини англаб етади.

Мусаввир С. Рахметов ижодига диққатимизни қаратганимизда, уни асарларида инсон психологияси жуда моҳирлик билан очиб берилган.Масалан “Кўнглим фақат сени қумсар“ номланган асари ўзининг ички драматизми, руҳий-фожеавий ҳолати ва шу билан бирга ҳаётига катта умид билан қарайдиган оптимист инсон образи билан кишида кучли таъсурот қолдиради.

У яратган ғиччакчи образи қанчалик ночор, афтодахо бўлсада, аммо кўнгли санъатга ошуфта бутун туйғуларини, ҳиссиётларини, орзу-умидларини оҳанглар орқали ифодалайдиган, бир кўз билан бўлсада дунёга умид кўзлари билан қарайдган инсон. Бизда савол туғилади, рассом бу образ орқали нима демоқчи, унинг фикрича, инсон ҳаётда яшар экан гарчи ночор, ногирон бўлсада, ноумид бўлмаслиги, ўз ҳаётидан ҳикмат ва маъно излаб яшаши лозимлиги, шунингдек инсон қалб дардига малҳам бўлгувчи унга дардкаш ва дилкаш бўлгувчи кучга ҳамиша муҳтож эканлигини уқтираётгандек назаримда.

Баъзи рассомлар ижодида ранглар унинг руҳий олами ёш даврларига мос тарзда, ўзига хос уйғунлик кашф этаётганлигин кузатиш мумкин.Масалан рассом Ортиғали Қозоқов ижодида табиатдаги барча ранглар ажиб ва муҳимлигини сезиш мумкин. Унинг ёшлик йилларида, яъни илк ижод оламига кириб келганида ранглар ниҳоятда ёркинлигини, ундаги руҳий кўтаринкиликни кўриш мумкин.

90-йилларда яратган асарларида зангор ранглар етакчилик қилган бўлса, кийинчалик қизил ва кўк ранглар кўпроқ ўрин эгаллаган. Бу турфа ранглар орқали рассом ўзининг бутун қалб кечинмаларини ифода этган ҳолда, мушоҳадага етакловчи чуқур фалсафий дунёқарашини ҳам ошкор этади ва сизни баҳсга чорлайди.

Рассом умрни рангларда, хусусан болаликни оқ, пушти, ёшликни қизил, балоғат ёшини зангор, кексаликни сариқ рангда ифода этади. Дарҳақиқат баъзи рассомларнинг умр шомида яратган асарларида хира ранглар етакчилик қилаганлигини кузатиш мумкин. Бу уларнинг ният қилган ишларига улгуролмай қолаётганликларидаги ҳорғинликдан дарак бераётганлиги гувоҳлик беради.

Рассом Ортиғали Қозоқов ўз асарларида аёлнинг эмоцинал руҳий ҳолатини, унинг нафислик ва назокат рамзи эканлигини кўрсатиш билан чекланиб қолмайди, Аёлнинг яратувчанлик ва ижодкорлигига урғу берган ҳолда, уни қиёфасида улуғворликни кўрсатишга ҳаракат қилади.

Бадиий образлар, фаол тафаккур жараёнида яратилгани, ҳар доим қаттий равишда рассомнинг ўзигагина таъллуқлидир.Бундан кўринадики, тафаккур жараёнида ҳар қандай инсонда бўлгани каби рассомда ҳам кўпроқ ҳаётий тажрибаси, кузатишлари, дунёқараши, касбий тайёргарлиги билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу ҳолатни осон аниқлаш мумкин,масалан бирон бир бадиий асар устида ишланган бир неча рассомнинг тафаккур олами ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бадиий асарнинг мазмуни, асар яралиш даври ёзувчи дунёқараши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бунга жаҳон адабиётидаги дурдона асарларидан бири Сервантеснинг машҳур “Дон Кихот” асарига бир неча рассомлар томонидан ишланган иллюстрациялар ёркин мисол бўла олади.

“Дон Кихот” асарига ишланган асарлар муаллифлари турли даврларда , турли мамлакатларда яшаганлар. Буюк рассомлар; Домье,Доре, Деларуа, Пикассо ва бошқаларнинг ҳар бири бу образини ўз дунёқараши ва психологияси билан ўз”Дон Кихот”ини яратганлар.

Дунёда бирон жонли-жонсиз мавжудот айнан бир - бирини такрорламаганидек, санъат соҳасида қанчалик кўп истеъдод намоёндалари бўлмасин бирининг ўрнини иккинчиси хеч қачон боса олмайди. Шунингдек, инсоният ва жамият эҳтиёжи фақат бетакрор салоҳиятлар орқалигина қондирилади. Бу нарса инсоний цивилизациянинг энг буюк ва энг ноёб натижасидир.

Ана шундай ўзига такрорланмайдиган рассомлардан бири Акмал Икромжоновдир

Бизга маълумки инсонни комиллика элтувчи омиллардан бири авлодлар тарихига ҳурмат кўрсатиш ва уни ўрганишдир.Рассомнинг Туркистон тарихига бағишлаб яратган асарларидан бири “Адрас” Туркистоннинг бой тарихга, маъданиятга эга эканлиги ифода этувчи асардир. Тарих ижтимоий – маънавий ва бадиий баркамоллиги билан қадрланадиган буюк даврларга гувоҳдир. Тарихнинг муайян воқеалари борки улар доим ижодкорлар эътиборини жалб этиб келади. Унда вақт ва замон муаммолари, инсоний қадриятлар ўзига ҳос ижодий ғоя мавжудлигини ифодалайди.

Рассом“Биз XIX асрдамиз” асари орқали чин маънодаги она юртига меҳрини ва ўз элининг инсонларига нисбатан ифтихор ва миллий ғурурни юқори эмоционал тарзда ифода эта олганлигин кўриш мумкин.Бундай асарлар бўлажак расомлар ва санътни севувчи ёшларда аждодлар меросини ўрганишга, ўша давр инсонларига хос ижтимоий психологияни ўрганишга хизмаат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун ҳар бир муссавир, ўз ижоди ва фаолияти билан халқимиз асрлар давомида ардоқлаб эъзозлаб келган урф – одатларимиз юксак инсоний қадриятларимизни янада равнақ топишига, ёшларимизни маънавиятини юксалишга, уларни иқтидор ва билимларни юрт манфаати ва келажагига хизмат қилишига, мустақил фикрловчи баркамол авлод бўлиб тарбия топишларига ўз билим ва тажрибаларини ишга солиб бетакрор санъат асарларини яратаётганлари, юртимизда миллий рассомлик санъатини истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Отажонова О., Каримова В. Касбий психология. Ўқув қўлланма – Тошкент: “Иқтисод-Молия”, 2018 – 232 бет.

2. О.Отажонова. Китобга расм ишлаш жараёнида психологик ёндошувнинг ўзига хос аҳамияти. Ta’LIM, FAN VA INNOVATSIYA.2019/4-SON.

3.Odina Otajonova. (2021). THE ROLE OF FINE ARTS IN THE FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE THINKING. Herakd pedagogiki Nauka i Praktyka (wydanie specjalne). WARSZAVA, 2450-8160. 60-60.